

Ҳажжожии золим ким бўлган?

05:00 / 06.01.2017 9839

Абу Муҳаммад Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий. Отаснинг исми Юсуф ибн Абу Ақийл Сақафий. Онаси Ҳумом ибн Урва ибн Масъуд Сақафий. Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий 41 ҳижрий санада, Тоифда дунёга келди. Болаларга таълим бериш ила шуғулланди. Кейин халифа Абдулмалик ибн Марвоннинг вазири Рух ибн Зинбоъ Жизомий билан танишиб миршаблик ишига кирди. Бу ишда ўзини кўрсатгани учун обрўси ортди.

Бир куни халифа Абдулмалик Рух ибн Зинбоъга аскарнинг бўйсинмаслигидан шикоят қилди. У Ҳажжож ибн Юсуф Сақафийни аскарбоши қилишни маслаҳат берди.

Аскарлар ичида Рух ибн Зинбоънинг одамлари кеч қолди. Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий уларни қамчи билан савалади, аскар ичида сазои қилиб айлантирди ва чодирларни куйдириб юборди. Бундан кейин унинг обрўси тўхтамай ўсиб борди.

У ўзининг шафқатсизлиги ва золимлиги билан донг таратди. Ислом оламида Ҳажжожии золим номи билан танилди. Биз унинг ишларидан фақат биргина мисолни қисқача келтириш билан кифояланамиз.

Машҳур саҳобийлардан Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу умавийлар давлатига қарши чиқиб Маккаи Мукаррамада ўз ҳукмини эълон қилдилар. Шунда Ҳажжожии золим халифа Абдулмаликка «Эй мўминларнинг амири! Уни менга қўйиб беринг! Тушимда уни терисини шилганимни кўрдим» деди.

Ҳажжожии золим аскарлари билан келиб Каъбаи Маъззамага яқин Абу Қубайс тоғига манжанийқ ўрнатди ва Каъбаи Маъззамага тош отишга амр қилди. Одамлари қўрқиб буюруқни бажараолмай турганларида ўзи қўли билан манжанийққа тош қўйиб отди. Фақат ҳаж мавсумида бир неча кун Каъбаи Маъззамага тош отишни тўхтатиб турди.

Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу оғир аҳволда қолганларидан кейин Каъбаи Маъззамадан чиқиб ҳамла қилишга мажбур бўлдилар. Ҳажжожии золимнинг одамлари у кишининг қаршиларига чиқишдан қўрқдилар. Бу ҳолни кўрган Ҳажжожии золим ўзи олдинга тушиб одамларни урушга

мажбур қилди.

Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу қатл этилдилар. Ҳажжожиди золим у кишининг мурдаларини осиб қўйди.

Ҳажжожиди золим кейин Мадийнаи Мунавварга юриш қилиб кўпгина саҳобаи киромларни азоблади.

Имом Термизий Ҳажжожиди золим ўлгунча қамаб қўйган одамларнинг сони бир йигирма минг эканини таъкидлаганлар.

Албатта, бундай золим одамларнинг оқибати яхшилик билан тугаши мумкин эмас. Ҳажжожиди золимнинг оқибати ҳам ёмон бўлди.

У машҳур тобеъий Саъийд ибн Жубайрни қатл қилгандан кейин ўзи ақдан озиб қолди. Ҳажжожиди золимнинг тушига Саъийд ибн Жубайр кириб «Аллоҳнинг душмани! Мени нима учун қатл қилдинг?!» дея тинчлик бермас эди.

Ҳажжожиди золимнинг қорнига қурт тушган эди. У ўзини кўрсатгани табиб чақиртирди. Табиб бир парча гўштни ипга боғлаб унинг оғзидан томоғига солиб бир муддат турди. Гўштни қайтариб олганда унга чирмашиб олган миж-миж қуртларни кўрдилар.

Аллоҳ таоло Ҳажжожиди золимга қаттиқ совқотиш хасталигини берди. Унинг атрофига бир неча оловдонларни ёқиб танасига тегадиган даражада яқинлаштирилса ҳам сезмас эди.

Ҳажжожиди золим ўз ҳолидан машҳур тобеъийн Ҳасан Басрийга шикоят қилди. У киши унга:

«Мен сени солиҳ кишиларга ёмонлик қилишдан қайтарган эдим. Кўнмадинг!» дедилар.

«Эй Ҳасан. Мен сендан Аллоҳ менга кушойиш беришини сўраб дуо қилишингни сўраётганим йўқ. Жонимни олишини ва азобимни чўзмаслигини сўра!» деди.

Шунда Ҳасан Басрий:

«Аллоҳим! Бунинг ўзини ҳам ўлдиргин, қилиғини ҳам ўлдиргин!» дея дуо қилдилар.

Ҳажжожии золими мазкур ҳолатда ўн беш кун ётиб ўлди. Бу ҳодиса Восит шаҳрида, тўқсон бешинчи ҳижрий санада рўй берди. Ўшанда Ҳажжожии золимининг ёши эллик тўртда эди.

Ҳажжожии золимига Рамазонда намозга ўтиб юрган қори Ашъас ал-Ҳаддонийдан ривоят қилинади:

«Уни тушимда жуда ёмон ҳолатда кўрдим. У менга «кимни қандай қилиб қатл қилган бўлсам, ўзим ҳам худди шундай тарзда қатл қилиндим. Кейин мени дўзахга киришим ҳақида ҳукм бўлди» деди».